



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 20-oktabr, payshanba,
123 (23.688)-son

**КУН
ХИКМАТИ**

Камчилик жамоа
ўзини доимо
тахқирланаётгандек
сезади. Шунинг
учун эътиборга
тушиш йўлини
қидиради

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz




https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz



ШАҲАР КУНИГА ТУҲФАЛАР

**18 октябрь – Самарқанд шаҳри кuni
вилоятимизда кенг нишонланди.**

Таомилга кўра, вилоят ҳокими Э.Турдимов бошчилигида вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, кенг жамоатчилик вакиллари Амир Темур мақбарасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилиниб, қурбонлик амаллари бажарилди. Шундан сўнг соҳибқирон Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Байрам тадбирларида хорижий давлатларнинг Самарқанд шаҳри билан биродарлашган шаҳарларидан ҳам меҳмонлар иштирок этди.

Шаҳар куни муносабати билан ўтказилган тадбирлар доирасида шаҳарда "Зарафшон", "Шоҳжаҳон" ва "Continental hotel Samarqand" меҳмонхоналари очилди.

Маълумотларга кўра, жорий йил бошидан буён Самарқандда 35 та, биргина сентябрь ойда 13 та меҳмонхона фойдаланишга топширилди. Айни пайтда вилоятимизда 500 га яқин жойлаштириш воситалари мавжуд.

Шаҳардаги "Идеал электролюкс" корхонасининг янги лойиҳаси ишга туширилди.

Шу пайтдаги корхонамизда ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг техника жиҳозлари учун эҳтиёт қисмларнинг аксарияти Эрон ва Туркиядан келтирилди, - дейди тадбиркор Соҳиб Азимов. - Маҳаллийлаштириш дастури асосида янги лойиҳаларни ишга туширдик. Бугун очилган корхонамизда газ плиталари ва печлар учун ойналар тайёрланяпти. Энди маҳсулотларимизнинг таннархи арзонлашади. Экспорт ҳажми ошади.

Шунингдек, эшик ва дераза ромлари тайёрланадиган "Нова инвест профил" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Самарқандлик тадбиркор Хуршид Тўраев ва унинг туркиялик ҳамкори Мурад Кадир ташаббуси билан ахборот технологиялари йўналишида янги "TappSuperApp" лойиҳаси ишга туширилди.

Университет хиббонида ўтказилган байрам тадбирларида вилоятимиздаги миллий маданият марказлари ўзларининг мусиқий дастурлари ҳамда таомлари билан иштирок этди.

Ўзбек ва озарбайжон халқларининг урф-одатлари жуда ўхшаш, - дейди Озарбайжон миллий маданият маркази раиси Одил Мирзаев.



- Алоқаларимиз кейинги йилларда ривожланди. Самарқанддан Бокуга ҳафтада икки марта авиарейс қўйилди. Бу туризм ва маданий алоқаларни янада жонлантиради.

Боқий кентнинг биродарлашган шаҳарлари сони яна биттага ортди. Самарқанд шаҳри кuni тадбирлари доирасида Япониянинг Нара шаҳри билан биродарлик алоқаларини ўрнатish тўғрисида битим имзоланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳақимов, вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов, Самарқанд шаҳри ҳокими Фазаилдин Умаров, Япониянинг мамлакатимиздаги фавқуллод ва мухтор элчиси Ёшинори Фузияма, Нара шаҳри мэри Мотонобу Накагави ҳамда делегация аъзолари ўзаро мулоқот қилди.

Мулоқот давомида томонлар шаҳарлар ўртасида дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиёт, туризм, илм-фан, маданият ва спорт каби бир қатор соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, алоқаларни изчил йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилишди.

Учрашув якунида Нара ва Самарқанд шаҳарлари раҳбарлари ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатish тўғрисида битим имзоланди.

Самарқанд шаҳри кuni муносабати билан ўтказилган байрам тадбирларига Ёшлар марказида ташкил этилган гала-концерт якун ясади.

Байрам арафасида "Самарқанд: маданиятлараро мулоқот маконида шаҳар қиёфаси. Хорижий Самарқандиёна энциклопедияси" номли китоб тақдимоти ҳамда "Жаҳон ичра Самарқанд" мавзусида тайёрланган кўргазма ташкил этилди.

Самарқанд халқаро технология университети ташаббуси билан ўтказилган тадбирда университет ректори Ю.Абдуллаев бу китобнинг яратилиш тарихига тўхтади. Энциклопедия қайта ишланган ва кенгайтирилган иккинчи нашр эканлиги, илмий ахборот наشري ҳисоблангани, 2014 йилда Самарада чоп этилган аввалги нашр кўшимча янги маълумотлар, факт ва рақамлар билан бойитилгани таъкидланди.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,
Бахтиёр МУСТАҲОВ (сурат).**

Пойтахтлик журналистлар билан ҳамкорлик

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими ҳамда уюшманинг Тошкент шаҳар бўлими ўртасида ижодий ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Уюшма вилоят бўлими раҳбарлари - "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталари бош муҳаррири Ф.Тошев, "Ишонч" ва "Ишонч-Доверие" газеталари бош муҳаррири Ҳ.Эрматов меморандумни имзолашдан мақсад журналистларни ўқув-семинарларга жалб этиш, пресс-турлар, ўзаро ижодий мулоқотлар уюштириш, тахлилий материаллар алмашиш эканлигини таъкидлади.

- Бугун нашр этилаётган газеталарнинг салоҳияти ва мазмундорлиги нафақат ижодий жамоа, балки унинг закий муштарийларига ҳам боғлиқ, - деди Ҳ.Эрматов. - Шу боис газеталар томонидан билдирилган муаммоларни шунчаки эълон қилибгина қолмасдан, уларнинг ечимига мутасаддиларнинг эътиборини қаратишга ҳаракат қилиялмиз. Афсуски, матбуот нашрлари орқали халқимиз томонидан билдирилган саволларга жавоб беришдан ўзини олиб қочаётганлар ҳам йўқ эмас.

Тадбир давомида журналистларнинг матбуот тарқатувчи корхоналар, касба уюшма фаоллари ва муштарийлар билан мулоқоти ташкил этилиб, газеталарнинг келгуси режалари билан таништирилди.



Иштирокчилар ўртасида ўтказилган викторина ғолиблирига "Ишонч" ва "Ишонч-Доверие" газеталари тахририятнинг совғалари топширилди.

Феруза ҚИЛИЧЕВА.

ОНА ТИЛИ ҲАҚИДА ҲАР КУНИ ГАПИРИШ КЕРАК



Мустамлака даврида тилимиз қадрсизланиб, ўз мавқеини анча йўқотди. Ҳатто баъзи миллатдошларимиз ўз она тилида гапиришдан ор қилган замонлар бўлди. Шукрки, бугун она тилимиз давлат тили сифатида ўз ўрни, нуфузига эга бўлиб бормоқда. Аммо ҳали бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар бир талай. Самарқанд давлат университети филология факультети декани, филология фанлари доктори, профессор Азамат Пардаев бахтиёр муаммолар ҳақида бўлди.

- Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 33 йил тўлди. Ҳатто давр мобайнида она тилимиз тараққиёти йўлида нималарга эришдик?

- Биз биринчи навбатда ўзбек тилини ҳалокат ёқасидан қайтардик. Собиқ иттифоқ даврида руспарастлик, рус тилини биринчи тил даражасига кўтариш кучайиб кетганди. Аслида бундай ҳолат XVIII асрда Россияда ҳам содир бўлган. Рус аристократлари рус тилида гаплашишга ор қилишган ва кўпроқ француз тилига эътибор бера бошлаган. Оддий халқ рус тилида гаплаш-

ган. Уларда ҳам мана шундай тил инқироzi рўй берган. Бу ҳолат бизда 1980 йиллар арафасида бўлган, яъни рус тилига катта эътибор берилган. Уни нуфуз деб ҳисоблаб, рус тилида гапириш элита даражасида урф бўлган. Бу ҳолат тилимизни ғариблаштирди, ўз тилимизда гапиришдан уяладиган бўлдик. Уша пайтда зиёлилар қатлами бунга қарши қаттиқ курашди. Ҳанузгача тилимизни асраш ва ривожлантириш жараёни босқичма-босқич давом этиб келяпти.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Дарахт кўчатлари экишга киришилди

Хайрли ишдан четда қолманг!

Президентимиз илгари сурган "Яшил макон" умуммиллий ҳаракати доирасидаги тадбирларнинг 2022 йил куз ва 2023 йил баҳорги кўчат экиш ишлари бошланди.

Вилоятимизда бу мавсумда қилинган шарафимизга мос бўлган 27 турдаги 16388 минг тул манзарали, мевали дарахт ва бутта кўчатларини экиш учун етарли миқдорда кўчатлар захираси шакллантирилди.

"Яшил макон" умуммиллий ҳаракати доирасидаги тадбирларни илмий асосланган ҳолда ташкил этиш мақсадида республика миқёсида экспертлар гуруҳи ташкил этилди. Шунингдек, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибиде ўрмончи, эколог, дендролог, тупроқшунос, энтомолог, фитопатолог каби мутахассислардан иборат гуруҳ шакллантирилди. Бу гуруҳларга илмий ва олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган 80 га яқин олим ва мутахассислар жалб қилинди.

Республикамиз ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда тавсия этиладиган дарахт, бутта турлари, экинлар тур ва навларининг таърифи, агротехникаси, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашни ўз ичига олган илмий тавсиялар ишлаб чиқилди. Илмий тавсиялар Экология қўмитаси қошида ташкил этилган

олимлар гуруҳидан тахрирдан ўтказилгандан сўнг ҳар бир вилоятга электрон ва чоп этилган ҳолда етказилди. Шу билан бирга, ҳудудлар кесимида мавсумий ишлайдиган соҳа олимларидан иборат "Амалий ёрдам бериш ва мониторинг қилиш гуруҳи" фаолияти йўлга қўйилди.

Жумладан, вилоятимизда ҳам олим ва мутахассислардан иборат экспертлар гуруҳи тасдиқланди. Экспертлар томонидан шаҳар ва туманларда кўргазмали семинарлар ташкил этилади.

Шу ўринда бир гап. Ҳаво таркибининг ўзгариши, яъни унинг ифлосланиши нафақат инсонга, балки барча тирик жонотларга салбий таъсир кўрсатади. Атроф-муҳитни тоза сақлаш эса бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Атмосферани тозалайдиган, бизга қайта ҳаво ишлаб чиқариб берадиган табиий имкониятлардан бири ўсимлик ва дарахтлардир. Демак, мевали ва манзарали дарахтларни кўпайтириш, бог-роғлар яратиш олдимида турган зарур ишлардан бири. Бу хайрли ишдан четда қолмайлик!

**Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Экологик партияси вилоят ташкилоти раҳбари, вилоят Кенгаши депутаты.**




Икки спортчимиз Осиё ва жаҳонда ТЕНГСИЗ

Қувайтда 18 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўтказилган IV Осиё чемпионати якунланди. Тўрт кун давом этган мусобақада спортчиларимиз 5 та олтин, 1 тадан кумуш ва бронза медалларини жамғарган ҳолда қитъанинг энг кучли терма жамоалари орасида умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Эътиборлиси, маъзур мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган самарқандлик спортчи Шарифа Давронова узунликка сакраш дастурида 6,06, уч хатлаб сакраш секторида 13,23 натижа билан икки қарра Осиё чемпионлигини қўлга киритди.

Уч хатлаб сакраш дастурида яна бир самарқандлик спортчи Хушноза Шавкатова 12,23 натижа билан кумуш медални қўлга киритди.



Баҳрайнда оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 29 мамлакат терма жамоаси орасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақанинг 102 килограмм вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган самарқандлик спортчи Шарофиддин Амридинов даст кўтариш машқида "Токио-2020" олимпиадаси чемпиони қатарлик Элбэх Фаресни орта қолдириб, 172 килограмм натижа билан олтин медал соҳибига айланди. Силтаб кўтаришда 196, икки баҳсда эса 368 килограмм тошни бўйсундириб, иккита бронза медалга эга чикди.

**ОБУНА –
2023**

**"Зарафшон" ва
"Самарқандский вестник" газеталарига
2023 йил учун обуна бўлиш**

БИЗ:
• Самарқанд ҳаётига оид муҳим хабар ва янгиликларни газеталаримиз ва интернетдаги саҳифаларимиз орқали биринчилардан бўлиб ёритамиз;
• маълумотларни биринчи манбадан олиб, сизга етказамиз;
• ҳолис таҳлил ва танқид қиламиз;
• энг муҳим, фойдали маълумотларни сизга илинамиз.

Газеталаримизга обунани тахририятнинг ўзидан ҳам расмийлаштиришингиз мумкин!


Садоқатли муштарийларимизнинг талаб ва таклифларини инobatга олиб, ЎТГАН ЙИЛГИ НАРХДА қолдирдик!

"ЗАРАФШОН" газетаси (ҳафтада уч марта)нинг обуна нархи:
• 640 минг сўм (якка тартибда тахририятдан олиб кетиш, Самарқанд шаҳридаги бошқармалар, муассасалар, йирик корхона ва ташкилотларга етказиб бериш шarti билан);
• 768 минг сўм (матбуот тарқатувчилар орқали етказиб бериш шarti билан).

**ОБУНА ИНДЕКСИ
5502**

ЭНГ КўП ОБУНА УЮШТИРГАН ТАШКИЛОТЛАРГА ҚИММатБАХО СОВҒАЛАРИМИЗ ҲАМ БОР!

**ОБУНА ИНДЕКСИ
5504**



"САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК" газетаси (ҳафтада икки марта)нинг обуна нархи:
• 468 минг сўм (якка тартибда тахририятдан олиб кетиш, Самарқанд шаҳридаги бошқармалар, муассасалар, йирик корхона ва ташкилотларга етказиб бериш шarti билан);
• 561 минг 600 сўм (матбуот тарқатувчилар орқали етказиб бериш шarti билан).

